



# O'ZSANOATQURILISHBANK

"O'zbekiston sanoat-qurilish banki" aksiyadorlik tijorat banki  
"Uzbek Industrial and Construction Bank" Joint-Stock Commercial Bank  
Акционерный коммерческий банк "Узбекский промышленно-строительный банк"

## Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 39-сонли баённомаси

Манзил: "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ биноси,  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 5-уй.

2018 йил 14 декабрь  
Иш вақти: 11.00 - 11.30

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишни Банк Кенгаши аъзоси Ё. Турсунов очди.

Банк Кенгаши томонидан 2018 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунлари ҳамда "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Уставига биноан, банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги хабар Банкнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган, акциядорларнинг электрон почта манзилларига юборилган ҳамда Халқ сўзи, Народное слово ва "Биржа" иқтисодий газетасининг 2018 йил 4 декабрдаги сонларида эълон қилинган.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 61-моддаси ҳамда Банк Кенгашининг қарорига биноан, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2018 йил 10 декабрь деб белгиланган.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (*кворумга эга эканлиги*) бўйича сўз Санок комиссиясига берилди. Санок комиссияси томонидан "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ акциядорларининг реестрига кўра, 2018 йил 10 декабрь ҳолатига Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга 91 832 287 892 дона оддий акциялар эгаси бўлган 5 363 та акциядор киритилганлиги маълум қилинди.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Санок комиссияси йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 81 535 692 596 донасига ёки 88,79 фоизига эгаллик қилувчи 15 нафар акциядор ва уларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум қилди.

*Санок комиссияси баённомаси, акциядорлар ва уларнинг вакиллари рўйхати, Санок комиссияси маълумоти илова қилинади.*

Йиғилишга раислик қилувчи Банк Кенгаши аъзоси - Ё. Турсунов Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ҳамда йиғилишда банкнинг йирик акциядорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси вакиллари аффилиланган шахслар бўлганлиги сабабли йиғилиш кун тартибининг “Аффилиланган шахс билан битим тузиш тўғрисида”ги 1-масаласи юзасидан қарор қабул қилинаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмаслиги ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслиги тўғрисида хабар берди.

Шунингдек, йиғилишга раислик қилувчи Ё. Турсунов банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида банк акциядорлари ва уларнинг вакиллари ҳамда Банкнинг масъул ходимлари иштирок этаётганлиги тўғрисида хабар берди.

Йиғилишнинг Ишчи органлари қуйидаги таркибда тузилди.

Йиғилиш ҳайъати: Ё. Турсунов (*Раислик қилувчи*), Б. Усманов ва А. Эргашев.

Йиғилиш котибияти: К. Хасанова.

Санок комиссияси: К. Арипов, Л. Байманова, Д. Ибрагимова.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Аффилиланган шахс билан битим тузиш тўғрисида;
2. Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

Умумий йиғилишни иш тартиби қуйидагича белгилаб олинди:

Кун тартибига киритилган масала буйича ҳисобот ва ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қуйидаги регламент ўрнатилди:

- Кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун - 15 дақиқагача;
- Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси учун - 10 дақиқагача;
- Кун тартибидаги масалалар буйича овоз бериш учун - 5 дақиқа.

Кун тартибига киритилган масала буйича овоз бериш тартиби ҳам белгиланиб олинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ аффилиланган шахслар ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг вакиллари битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслиги белгиланган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг вакиллари битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этмадилар.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан йиғилишга раислик қилувчи Ё. Турсунов тегишли тушунтиришлар берди.

Кун тартибига киритилган масалани кўриб чиқиш натижасига кўра,  
Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

### ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 ноябрдаги ПҚ-4015-сонли “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг устав капиталидаги давлат улушини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан эквиваленти 50,0 миллион АҚШ доллари миқдоридан банкнинг оддий акцияларини эмиссия қилиш орқали олди-сотди битимини тузишга розилик берилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 2 949 854 069 овоз.

“Ёқлайман”- 2 949 834 069 овоз, “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - 20 000 овоз.

2. Банкнинг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин. *(илова қилинади)*

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 81 535 692 596 овоз.

“Ёқлайман” - 81 535 692 596 овоз, “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ  
акциядорларининг навбатдан  
ташқари умумий йиғилиши раиси:



Ё. Турсунов

Йиғилиш котиби:



К. Хасанова

Баённома расмийлаштирилган сана: 2018 йил “17” декабрь